



Mustaqil gazeta

HURRIYAT

O'zingni angla!

Газетамизга
2009 йил учун
обуна
давмат этмоқда.
**Муштарийларимиз
сафиди бўлинг!**
Нашр
кўрсаткичи — 233.

1996-yil dekabrden chiqa boshlagan * Chorshanba kunlari chiqadi * 2008-yil 10-dekabr, №51 (605) * E-mail: hurriyat@mail.ru * http://www.hurriyat.uz

ТАРАҚҚИЁТ ШАЖАРАСИНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ


Молиявий муассасамиз барча турдаги ва гуруҳдаги мижозлар учун ҳаммиша очик, Банк ўз мижозларини амалиёт хизматлари учун оптимал ҳақ ундириш ва кўрсатилаётган хизматларнинг юқори сифатли бўлиши ва тезкорликни таъминлаш орқали жалб этмоқда.



⇒ 3-бет

СУҚРОТ ХАВОТИРИ


Балки кимдир айтар, ҳазрат Алишер Навоий буюк ижодкор, уни ҳамма ҳам тушуна олмайди ва тушуниши ҳам шарт эмас, деб. Менимча бу фикр нотўғри. Ахир туркий тилда ҳаммадан кўп ва ҳуб ёзган зот ўша мисраларни замонлар оша келадиган адабиётшуносларга «ўзини кўрсатиб қўйиш» учунгина битмагандир.



⇒ 7-бет

ШОҲИ ЗИНДА... ҲАЙРАТ МАСКАНИ

Ҳар бир қаричи тарих, афсона бўлган бу ерни зиёрат қилишда тартиб-интизом сақланаётганлигини, сайёҳу меҳмонлар масъулиятини чуқур ҳис қилаётганини сезасиз. Овозини пасайтириб гапирётган, ёдгорлик тошларига эҳтиёткорлик билан кўл текшираётган зиёратчиларни кўриб ҳайратингиз янада ошади.



⇒ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

Жорий йилнинг 2 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

Шу йил 4-5 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг ўн олтинчи йилги мажлиси бўлиб ўтди.


Президент Ислам Каримов 5 декабрь куни пойтахтимизнинг "Туркистон" саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда маъруза қилди. Юртбошимиз юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислохотлар, 2008 йил — Ёшлар йилида рўйга чиқарилган натижалар билан бир қаторда, келгусидаги энг муҳим вазифалар ҳақида атрофлича сўз юртди.

Юртбошимиз таклифига кўра келаятган 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб номланди.

Оқсарой қароргоҳида 5 декабрь кунги Ватаннинг юксак мукофотларини тошшириш маросими бўлиб ўтди. Мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов давлат мукофотларини тантанали равишда тошширди. Ватаннинг юксак мукофотлари билан тақдирланган юртдошларимиздан бир гуруҳи сўзга чиқиб, давлатимиз раҳбарига юксак эътибор ва эҳтиром учун миннатдорчилик изҳор этдилар.

Адлия вазирлигида "Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 60 йиллиги" мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Бош прокуратура, Олий суд судьялари, Фуқаролик жамиятининг ўрганиш институти ва Адлия вазирлиги ходимлари иштирок этди.

2009 ЙИЛ ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ



Юртбошимиз Ислам Каримовнинг Бош қомусимиз — Конституциями қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузасини барча юртдошларимиз ҳаяжон билан тингладилар, матбуот саҳифаларида диққат билан ўқиб, катта қониқиш ҳиссини туймоқдалар.

Дарҳақиқат, маърузада таъкидланганидек, ўтган давр мобайнида халқимизнинг азму шижоати, фидокорона меҳнати билан кўлами ва чуқурлигига кўра

гоят улкан ютуқлар қўлга киритилди. Нафақат юртимиз овод бўлиб, ривож топиб бормоқда, балки одамларнинг онгу шуурдаги ўзгаришлар, ҳаётга бўлган муносибатнинг ўзгариши ҳаммасидан-да муҳимроғи дея эътироф этилиши бекорга эмас, албатта.

«Она Ватан деган буюк ҳис, тушунчаларнинг эса тимсоли аввало, қишлоқ тимсолидан бошланиши»ни Президентимиз айтар экан, бутун элимизнинг дилидаги гапни айтди десак хато бўлмас.

Келаятган йилга «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб ном берилиши эса халқимизни, барча ёшлар қарни бирдек севинтирди. Зеро, қишлоқларимиз овод, фаровон бўлсагина мамлакатимиз янада чирой очади, ривожланиб бораверади.

Ийгилишда давлатимиз раҳбари томонидан — Эртанги кунга ишонч, ҳеч кимдан кам эмаслигимиз деган иборалар ҳам ишлатилди. Бу иборалар, сўзлар ҳар биримизнинг қалбимизга янада куч, ғайрат ва шижоат бахш этди. Энг ёруғ, эзгу ниятларимиз амалга ошаверишига шак-шубҳа йўқ.

10 декабрь — Ўзбекистон Республикаси
Давлат мадҳияси қабул қилинган кун

Она амласидай муқаддас

Айтилик, сиз машҳур кишисиз. Қайсидир газета сиз билан ўзига хос анкета сўровини ўтказмоқда. Саволлар орасида севимли қўшигингиз қайси деган банд ҳам бор. Ҳўш, сиз бу саволга нима деб жавоб қайтарган бўлардингиз? Шахсан, мен нима деб жавоб қайтаришни билмай қолардим. Бомси яхши кўрган қўшиқларим шу қадар кўпки, агар биттасини айтаман, қолганларининг ижрочилари гўё хафа бўладигандай туюлаверади. Яқинда шу саволни бир дўстимга бергандим:

— Озодбекнинг "Ёмғир" қўшигини яхши кўраман, — деди у бироз ҳаяжонланиб.

Уйга келиб, эндигина мактабга бораётган укамга юзландим:

— Ҳўш, укавой, севимли қўшигинг қайси?

— Меникими, "Серкўёш..." — деди у болаларга хос гуруҳ ва соддалик билан.

— Еддан айта оласанми?

— Албатта.

Серкўёш хур ўлкам, элга бахт, нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон.

Яшнагай товабд илму фан ижод,
Шухратинг порласин, токи бор жаҳон...

Укамнинг сўзларини эшитиб, кўнглим алланечук бўлиб кетди. Нега шундай бўлди? Саволимга бошқача жавоб кутганим учунми? Ёки бу қўшиқ бутун борлиги самимиётга йўрилган, доим ростини айтадиган боланинг қалбида жой олганидан хурсанд бўлганим учунмикин?

Уйлай бошладим, қандай қилиб, шу қўшиқ жажжи болакайни ўзига ром этди. Оналаримиз айтган алладай оҳанрабога эга бўлгани учундир, балки. Алла бу турфа оламни энди англаётган гўдакка дастлабки тасавурларни бергани каби мадҳиямиз бизга Ватанини танитади, уни севинишга ўргатади.

— Нафақат ўргатади, балки бизни олий мақсадлар йўлида бирлаштиради ҳам, — дейди "Пахтакор" футбол клуби ҳузуридаги академия раҳбари Дилшод Нуралиев. — Турли халқаро мусобақаларнинг ҳар бир учрашуви арафасида мадҳиямиз эшиттирилади. Шунда мадҳиямиз ни нафақат майдонга тушган футболчилар, балки минбардаги мухлислар ҳам куйлашади. Бу галаба сари ташланган биринчи қадам ва халқимизни жиқлаштирувчи омил десак бўлади.

"Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси тўғрисида"ги Қонуннинг 2-моддасида шундай сўзлар бор: "Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси Ўзбекистон Республикаси Давлат суверенитетининг рамзидир".

(Давоми 2-бетда.)



Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари»
миллий авиакомпанияси самолётларида
ҳам тарқатилади.

Обуна — 2009



Хур фикрларга шикўбозмисиз?

Узоқни кўзлаб иш тутушни хоҳлайсизми?

Рудиятинизга мос газетани йил бўйи ўқиб бормоқчимсиз?

Режалар, эзгу мақсадлар билан яшайсизми?

Имкониятлар ашигини очшни истайсизми?

Янгиликлардан, дунё хабарларидан воҳавар бўлмоқчимсиз?

Тезроқ "HURRIYAT"га обуна бўлинг!

ДУНЁ СИЁСАТИ

Иш ўринлари қисқармоқда



АҚШ

Меҳнат вазирлигининг маълумотларига қараганда, ноябрь ойида иш ўринлари 533 мингтага қисқарган ва мамлакатда ишсизлар сони 6,7 фоизга етган. Манбада айтилишича, сентябрь ва октябрь ойларининг ҳар бирида 200 мингтадан иш ўринлари ёпилган эди. Шундай қилиб, 2008 йилнинг 11 ойида Америка иқтисоди 1,91 миллион ишни ўрнини йўқотди.

Соҳалар бўйича олиб қарайдиган бўлсак, ноябрда sanoatда 85 минг, хизматлар тизимида эса 370 минг

иш ўрни қисқарган. Ушбу рақамлар энг пессимист сиёсатчиларнинг тахминларини ҳам чиппака қиқарди. Улар ноябрда кўпи билан 220 мингдан 470 мингтагача киши ишсиз қолишини башорат қилишганди.

Канадада ҳам ишсизлар сони ноябрда 70600 тага кўпайган. Ҳозирда мамлакат аҳолисининг 6,3 фоизи ишсиз.

АҚШ президентининг матбуот котиби Дана Перино Шимолий Америкада ишсизлар сони ошишига иқтисодий инқироз сабаб бўлганини таъкидлаган.

5»

МАҚСУД ШАЙХЗОДА ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ

“Беруний” асари ёзиб тугалланганми?

60-йилларда “Ўзбекистон маданияти” (ҳозирги “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” Н.К.) газетасида масъул котиб бўлиб хизмат қилган Минад Ҳакимов “Гўзаллик навқари” номили репортаж-мақоласини ёзиш учун Шайхзода билан учрашиб, “Шайх ака, театр шинавандаларига яна нималар тортиқ қилмоқчисиз?” — деб мурожаат этган. Шайхзода истейодлай журналистнинг бу саволига шундай деган экан:

“Дастлаб шунга айтишим керакки, биз тарихий тарих учун эмас, балки замонамиз учун ўрганамиз. Утмишда юз берган воқеалардан хулоса чиқариш, ижтимоий тараққиёт қонунларини ўрганиш, адолат ва адолатсизлик, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги курашнинг очиб бериш бизнинг вазифамиздир. Шу ваддан ҳам ўтмишда яшаган ва маълум даражада даврнинг эидиятларини ўзида акс эттирган тарихий шахслар, улкан характерлар ҳамда дахшатли феодаллар ҳаммиша мени қизиқтириб келган. Шу вақтгача ёзган икки асаримнинг мавзуси ҳам шу билан изоҳланади. Ҳозир мен улуг олим ва мутафаккир Беруний ҳақида бир нима ёзиш ниятида юрибман, шунга материаллар тўплаялман”.

Шайхзаданинг Беруний тўғрисида асар ёзмоқчи бўлганлиги ҳақидаги илк маълумот — мана шу.

Ушай йилларда шоир билан яқин алоқада бўлган, унинг вафотидан сўнг адабий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш билан машғул бўлган Муҳсин Зокировнинг маълумот беришича эса, Шайхзода Беруний ҳаётини ўрганишга катта иштиёқ

билан киришиб, араб, форс, турк ва рус тилларидаги мавжуд манбаларни ўрганибгина қолмай, балки халқ ўртасида тарқалган ривоятлар билан ҳам қизиққан. Унинг Беруний даври ва ҳаётига оид манбалардан олган нусхаларни ўндан зинд микрофильмини, кўчирмалари эса икки катта дафтарини ташкил этган.

Шайхзода ўша йилларда Ҳиндистонга қилган сафари вақтида Дехлида Ҳумоюн Мирзонинг қасри ва қабрини, “Кутб минор” деган 235 фут узунлиқдаги минорани, 1191 йилда бунёд этилган “Масжиди қуввати Исломи”ни, милоддан ўч аср муқаддам қад кўтарган Ашшоқ Стунини кўриб, ҳайратланган, Ҳиндистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам шундай ғаройиб тарихий обиддалар ва маъиш турмуш манзаралари билан танишган эди. У “Ҳиндистон сафари” номили муъжаз мақоласида сафар таассуротлари билан ўртоқлашиб, шундай ёзган: “Мен яна бир кун сизларга Мадорасининг қосибларидан, кўм-кўк шакарзон бутиларида, Шиванинг баланд бутхонасидан, худубий ва чарос кўлини ҳинд қизини аслатувчи оқлар ноилларидан, машҳур ҳинд артисти, бизнинг дўстимиз Раҷ Капурдан, пальма хиебонларидан, омос билан ер ҳайдаб турган дехқонлардан, март ойининг бошларида биз еган тарвузлардан, “Филлар гори” деб аталган оролда, қояларда ўйилган суратлардан, маҳоражаларнинг кўши, айвонларидан ва хонумларнинг риқшаларининг каттака ўшган кубаларидан, Банголия кўрфазиди, яъни Ҳинд океанида чумилганимиздан нақл қилиб бераман.

6»

НИГОХ

Хотира кечаси

Хайтда шундай инсонлар бўладики, улар ўз умрларини гўёки ёнаётган шамдек барчага ёруглик, меҳр улашиб, жамият учун, яшаётган юрти, ватандошлари учун эзгу амаллар қилиш билан ўтказадилар. Улар бу дунёни тарк этганларидан кейин ҳам ёру биродарлари, юртдошлари қалбидан узоқ яшайдилар.

Кеча Викториа Ким отасига бағишлаб айтган шеъри билан очилди. Сўнг академик-профессорнинг дўстлари — Россия табиий Фанлар академияси академиги Герасим Югай, Белоруссиядан ташриф буюрган академик Анатолий Соболевский ва бошқа тadbир иштирокчилари унинг хайт йўли, у табиатан байналмилал инсон бўлиб, Ўзбекистон учун, корей халқи учун қилган эзгу ишлари, хайти жуда севиши ва инсонлар қалбига йўл топа олиш каби бетакрор фазилятлари тўғрисида сўзлашди. Уларини Никифор Степановичнинг шоғирдлари деб билган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Кумуш Разоқова ва композитор Владимир Барашковлар унинг сеvimли кўшиқларини ихро этишди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Андрей Петровец халқаро танловлар лауреати Сабина Лем ва Александр Эгай, ўзбек эстрадасининг ёш юлдузлари Жасур Мирсоатов ва Саша Ли, Алишер Навоий номидаги опера ва балет академик театри артистларининг чиқишлари кечага алоҳида кўтаринки руҳ бағишлади. Айниқса, 4-5 ёшли корейс миллатига мансуб қизчалардан иборат "Мисо" гуруҳининг хорамача лаэги, "Бухороча", "Наманганнинг олмаси" кўшиғига сахналаштирилган, маромига етказиб ихро этган рақслари йилганлар қалбига ўзгача кайфият бахш этди. Ташкилотчи, санъатшунослик доктори Викториа Кимнинг ўзбекистон рақси эса гулдўрос олқишларга сазовор бўлди.

Хотира кечаси "Ялла" гуруҳининг барча қатнашчилар томонидан биргаликда ихро этилган "Ўзбекистон — Ватаним" кўшиғи билан якунланди.

Нигора ОЛИМЖОНОВА,
Тошкент давлат жаҳон тиллари университети талабаси.

"Ичидами ёки орасида?"

...Журналистика факультетида таълим оланлар "ОАВда ўринсиз сўз қўлланиши" хусусида хабардорлар, ҳатто ёзма иш топширган бўлиши ҳам мумкин. Лекин нимагадир бугун ўзимиз ёзган мақолаларимизда (сўз бойлигимиз камлигиданми) ўринсиз сўз ишлатиш қусурига йўл қўйилми. Масалан, чоп этилаётган мақола, лавҳа, суҳбат ва турли жанрлардаги чиқишларимизда бу камчилик бот-бот учрайди. Мисоллар муржаат қилсак, бир мақолада муаллиф "Мисқоллардан кенг хирмон тиклаётган пахтакорларга осон эмас", деб ёзибди. Аслида-чи? Ҳовли сатҳи кенг бўлар, дала кенг бўлар, кўнгли кенг, кўприк кенг ва ҳоказо бўлар, лекин хирмон кенг бўлмайди. Демокчиманки, катта хирмон, баланд хирмон, юксак хирмон, сарбаланд хирмон жумлаларини



ни ишлатганимизда гапимиз сал тибийроқ чиқарди.

Кези келганда яна бир ўринсиз қўлланиб, ўқувчи нашта тегалиган бир сўзга эътибор қаратайлик. "Одамлар ичидан узоқ қолиб кетди", "Қизлар ичидан энг уқувлиси" каби жумлалар ҳам сиртдан қараганда тўғри ёзилгандай туюлади. Бироқ чуқурроқ ўйлаб кўрилса, "ичида" сўзи нотўғри қўлланилгани аён бўлади. Ахир, ичиданам ичи деганда хос, ички маъно аниқлашади. Одамларнинг ичи одамлар жисм-жасали ичидир. Юқоридаги гапларни "Одамлар орасида узоқ қолиб кетди" ёки "Қизлар орасида энг уқувлиси" тарзида ёзилган бўлсак, бу борадаги камчиликларимизни ва хатоларимизни тўғрилади бўларди.

Салима УМАРОВА
"Дўстлик байроғи" (Навоий),
13.11.2008.

Тежамкорлик

Когон шахридаги 5-умумтаълим мактабидан бу йилги иситиш мавсумида бутлурги муаммоларга дуч келинмаслигига қафолат бор. Чунки бу ердаги буғ қозонхонасининг эскирган 2 та агрегати замонавийсига алмаштирилди. Яна бир муҳим жиҳат. Улар синфхоналар, умуман бинони барқарор иситиш энергияси билан таъминлабгина қолмай, олдинкиларига қараганда газни ҳам кам сарфлайди. Утган мавсумда ўқув юртида 400 минг куб метрдан зиёд ёқилги ресурслардан фойдаланилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткиш икки бараварга

қисқариши мўжжаланипти. Гиждувон туман тибийёт бирлашмасида эса буғ қозонлари сони иккитадан бештага қўнайди. Аммо улар газни эски агрегатларга қараганда анча оз "истеъмол" қилади. Агар ўтган йилги мавсумда касалхона қозонхонасига 240 минг куб метр ёқилги етказилган бўлса, янги агрегатлар учун эндиликда 157 минг куб метр кифоя...

Жаҳонир ИСМОИЛОВ
"Бухоро янгиликлари",
08.11.2008.

Тўйдан касал бўлиб қайтганлар

— Қизимни турмушга чиқардим, - дея оғир ўрсинди Кўрғонтепа туманида яшовчи Абдумалик ака Рўзибоев. — Очиги, фарзандимнинг бахтини кўриб, қувонаётганимни айтгим бору, аммо намунадаги дарддан халос бўлолмай доғман.

Туман марказий касалхонасида бўлиб ўтган ушбу суҳбат давомида билдикки, юртдошимиз тўйга атаб олган спиртли ичимликларнинг сифатсизлиги туфайли захрланиб, сифтор кўригидан ўтаётган экан. Сифатсиз, истеъмолга яроқсиз маҳсулот инсон саломатлигига салбий таъсир этмай қолмайди. Шу ўринда ҳақиқи савол туғилади. Бу каби маҳсулотларни сотаётган кимлар?

Хўжаобод туманида истиқомат қилувчи Отабек Саримсоқов ана шундай кимсалар тоифасига қиради. У ўзи мудирлик қилаётган 17-савдо дўконидан истеъмолга яроқсиз спиртли ичимликлар сотилишини таъминлади.

Саминжон ҲУСАНЗОДА
"Андижоннома",
05.11.2008.

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонднинг моддий ва ахборот кўмағида тайёрланди.
Лойиҳа: «Матбуот — давр кўзгуси».

АВВАЛИ

"Ажаб қудратнамолиғидурким..."

Тошканд билан Хўжанд шахрининг оросига тилиграф йургузмакка фармоиш бўлди. Анқорини (яқинда) ушбу тилиграф ишлари бошланиб итмом топса керак.

"Туркистон вилоятининг газити",
1875 йил 29 сентябр.

Тошканд шахрида бир газит олғучи киши ушбу хабарни газитга босмоқ учун йозиб берибдур. Мазмуни каалом шулки ул мазкур этакдурки ман ажойиб хабар истемоғи айлаб (эшитиб) қудратни худовандига ақлим лол бўлуб оммаи халойик ҳам хабардор бўлсунлар деб тахир айлади.

Бир неча замон илгари Тошканд шахрида зилзила воқеа бўлуб кечаси бир жунбуш қилгон экан. Қазоро (ушбу ҳодиса) ушал кечаси ҳануз зилзила бўлмасдин бурун бир ҳодиса воқеа бўлбдур. Нечукким бир кишининг бир миқдор нақдина пули бор экан. Ул киши ҳам вақт кечаси йотадургон ерини қовлаб пулни ул ерга қўйиб устига тушак солиб йотар экан. Мақр онинг ҳамсояси ул кишининг ҳолидин воқиф бўлуб хатто пулни қўйадургон еригача билиб, пулни олмақга бир илож тасаввур қилур экан.

Бас, ўшал зилзила бўладургон кечаси мазкур ўғри ҳамсоясини ҳовлисига кириб бад аз он йотадургон уйга кирибдур. Алар эр-хотун ва бир йош гўдак фарзанди билан йотган эмишлар. Ўғри оҳиста бориб йош гўдакни кўтариб ҳовлининг бир бурчиға элтиб қўйиб ўзи бир гўшада пинҳон бўлуб турмушдур. Аммо йош гўдак ташқарида бедор бўлуб қаттиг овоз билан йиғлагон ҳолда онаси бедор бўлуб кўрадулки, фарзанди олдида йўқтур, балки ташқаридин йиғлаб овози келадур. Дафъатан эрини ҳам бедор айлаб ҳар иқовлон фарзандлари йиғлаб тургон ерга қараб йугурбдурлар. Ул замон вақти ганимат билиб ҳийлагар ўғри тушакларни кўтариб ташлаб пулни олиб қочиб чиқмоқчи бўлгон экан ба як бор зилзила пайдо бўлуб замин жунбуши билан ўшал уй йиқилибдур. Ул ўғри уйнинг дахлизига келган вақтда уй босиб қолмишдур. Олло таолонинг ажаб қудратнамолиғидурким уй эгаси ма зан (хотини билан) фарзанди саломат қолиб хомтамаъ ўғри бало домиға гирифторм бўлмишдур.

"Туркистон вилоятининг газити",
1876 йил 12 феврал.

Наширға тайёрловчи: Аъзам УМАР



Сарсонгарчилик наф келтирмас

Бундан йигирма йил олдин бирон бир дўкон ёки юк машинасининг хусусий мулк бўлиши мумкинлиги ҳақида гапирилса, буни гапирган одамни кечирасизу, «эси жонидамас»га чиқарилиши тайин эди. Завод-фабрика ҳақида-ку, ҳаёлга келтириб ҳам бўлмасди!

Бугун эса ана шу "эртак"лар оддий ҳаёт ҳақиқатига айландики, бу албатта, авваламбор Мустақиллик шарофати ва Юртбошимизнинг мамлакатимизда мулкдорлар сафини тобора кенгайтириш йўлида олиб бораётган саъй-ҳаракатларининг самарасидир. Тадбиркорлик фаолиятини қафолатлаш, тадбиркорларни турли ноқонуний таъйиқлардан халос этиш бўйича қатор Президент Фармони-ю Хукумат қарорлари эълон қилинган катта имкониятлар эшигини очиб бермоқда. Бирок, айни пайтда ҳаётда айрим воқеа-ҳодисаларга ҳам дуч келиб турибмизки, бу борада муаммолар ҳам йўқ деб бўлмайди. Менинг тадбиркорлик фаолиятимдаги факт ҳам бунга ёрқин мисол бўла олади.

"Шифобахш нон" корхонаси таназулга юз тутди: ишлаб чиқариш даяри тўхтаган, солиқдан, иш ҳақи-ю бошқа турдаги қарздорлик ошгандан ошдики, энди бу корхонага бақувват шахаси, ташкилотни эга чиқмас, иш олдинга силжиши амри-маҳол эди.

Корхона Тошкентнинг марказида жойлашган, тажрибали ишчи-ҳодимлар етарли, аҳоли зич бўлган жойда маҳсулот сотувида муаммо бўлмайди. Фақат... хароба ҳолига келаётган корхонани қайта оёққа қўйиш учун сабр, меҳнат ва катта мабла керак. Бирок, харидор ҳадеганда топилавермаган, корхона роса уч йил биржада эгасини кутиб ётган. Шундан сўнг, 2006 йилнинг май ойида мен уни қонун-қоида асосида сотиб олдим. Уша йилнинг 19 май куни Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк қўмитаси ва мен раҳбарлик қилган "Тегирмон Сервис Инвест" МЧЖ ўртасида "Шифобахш нон" ШХЖни сотиб олиш бўйича шартнома (№ 2345) имзоланди. Унга кўра, Харидор ("Тегирмон Сервис Инвест") бир ой муддат ичиде объект баҳосининг 30 фоизини, қолган етмиш фоизини эса олти ой давомида тўлаб бориши белгиланди. Бундан ташқари, шартноманинг 1-иловасига асосан "Шифо-

бахш нон"нинг солиқ, иш ҳақи ва бошқа ташкилотлардан бўлган қарзларини тегишли жадвал асосида тўлаб бориш ҳам харидорнинг гарданига юкланди...

...Дастлабки тўловлар тўланди, инвестиция мажбуриятлари ҳам бирин-кетин адо этилиб борибди. Шу баробарида корхонада салкам эллик беш миллион сўмлик таъмирлаш ишларини ҳам бажардик. Бирок, юксак мақсад, яхши ният билан бошланган катта ишлар доим силлиқ кечавермас экан.

Тўлов масаласида озгина қийинчилик туғилиб, тўлов муддатини салгина узайтириш тўғрисида ДМҚга мурожаат қилдим. Бу 2006 йилнинг 1 ноябридаги гап. Бирок, мазкур мурожаатга на ҳа, на йўқ деган жавоб бўлди. Уша йилнинг 25 ноябрида шу мазмунда иккинчи мактуб ёзилди. Бу мактубнинг ҳам жавоби сукут бўлди. Ниҳоят, учинчи мурожаатдан (19.01.2007й.) икки ой (1) ўтиб, ДМҚдан жавоб бўлдики, уни бир қарашда ижобий дейиш мумкинлиги эди. Яъни, тўлов кечиктирилишини хоҳлайсизми — марҳамат, аммо бир шarti бор — 51481566 сўм пеня қўшган ҳолда қўшимча келишув имзолаймиз, тўлов муддати икки ойгина бўлади, истасангиз — шу.

Пеня миқдори объект умумий баҳосининг учдан бирини ташкил этиши инобатга олинса, ДМҚнинг шarti анчайин оғирлиги яққол билинади. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Агар қўшимча келишувдаги тўлов муддати икки ой экани, шу вақт мобайнида мажбурият бажарилмаса ДМҚ умумий сумманинг 15 фоизини жарима тариқасида ушлаб қолган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлишини қўшсак, тақлиф этилаётган шарт, юмшоқ айтгандай, инсоф чегарасидан чиқилгандай туюлади. Начора, ҳақдор ҳаммиша ҳақ келади... Тадбиркорнинг эса яна бир бор таваккал қилишдан ўзга чораси йўқ. Ахир, озмунча ҳаражат қилдимми; объект умумий тўловнинг маълум қисмидан ташқари "Шифобахш нон"нинг оз бўлмаган қарз-

ларини уздим, шунингдек, таъмир ишларининг ўзига юқорида айтганимдек эллик беш миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфладим. Демак, орқага йўл йўқ эди.

Юқоридаги шартлар асосида 2007 йилнинг 15 май куни қўшимча келишувга имзо чекилди.

Бирок, бу муддат кам, суммаси эса кўплик қилдики, мен яна ДМҚга мурожаат этдим. Мурожаат яна жавобсиз қолди.

Мен мажбуриятни бажаришга тушдим. Бунга муваффақ бўлдим ҳам. 2007 йилнинг 1 август куни сотиб олиш суммаси юз фоиз тўланди, тўлов кечикканлиги учун тўққиз миллион сўм жаримаси билан... Аммо энгил нафас олишга улгурмадим, тўловлар ўн кун деганда орқасига қайтариб юборилди, 15 фоиз "ушлаб" қолинган ҳолда... Сабаб? Шартнома бир томонлама бекор қилинибди — тамом. Йўғе, бу ҳақда бирон на чурқ этди, гап. Бирок, мазкур мурожаатга элди, эҳтимол, бу тушунмовчиликдир деб ўйладим.

Маълум бўлишича, шартномани бир томонлама бекор қилиш тўғрисидаги ДМҚ буйруғи 2007 йилнинг 5 июнь (44к-АК) куни чиққан экан. Бундан беш икки ярим ой деганда воқиф бўлди! Нима, буйруқдан ўз вақтида огоҳ этмоқнинг имкони йўқмиди?

Албатта, бундай вазият — ҳолатларга ечимни суд идоралари қилиши эҳтимол. Кейинги бир йил давомида мазкур низо гоҳ фуқаролик судида, гоҳ хўжалик судларида бир неча бор кўриб чиқилди. Гоҳ у томоннинг, гоҳ бу томоннинг фойдасига чиқарилган суд қарорларини ўқиб... асабларим ҳам тамом бўлди. Масалан, дастлаб бизнинг даъвомизга асосан Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро суди чиқарган ҳал қилув қарорида олди-сотди шартномаси, қўшимча келишув бўйича ДМҚнинг хатти-ҳаракатлари гайриқонуний деб топилган ва шу асосда чиқарилган 2007 йил 5 июндаги буйруқ ҳақиқий эмас, дея бекор қилинган. Шунингдек, ДМҚга томонлар ўртасидаги қўшимча келишувни қонунга мувофиқлаштириш юклатиб, хатто шу даргоҳ раисининг биринчи ўринбосаридан даъвогар Ф.Тоғоев — менинг фойдагача маънавий зарар ундириш ҳам белгиланган. Тўғри, мазкур суд ҳуж-

ҲОЛАТ

жати апелляция босқичида бекор қилиниб, иш юришти тугатилган. Бунга сабаб низо хўжалик судига тааллуқлилиги асос қилиб кўрсатилди. Демак, тегишлилик истисно қилинса, қўлланган қонун нормаларига эътироз йўқ. Хўжалик суди томонидан чиқарилган суд ҳужжатларида ҳам шунга яқин манзарани кузатиш мумкин. Дастлаб, Тошкент шаҳар хўжалик судида даъво рад этилганди, бирок ишни апелляция босқичида кўрган судьялар уни бекор қилиб, янги мазмундаги қарор чиқарганлар. Унда яна бир бор ДМҚнинг шартнома, қўшимча келишув борасидаги ҳаракатлари қонун қаричига тўғри келмаслиги таъкидланган. Иш яна юқоридаги босқичда кўрилганда эса... даъвогар шартнома шартларини ўз вақтида бажармаганига ургу берилдики, шунинг ўзи суд ҳужжатларининг яна ўзгаришига етарли бўлган...

Битта даъво бўйича бир-бирига зид мазмунда чиқарилган суд қарорларидан катта сўроқ белгиси бўлган саволга жавоб топиш қийин: қонунийлиги муаллақ бўлган битимлар асосида амалга оширилган ҳаракатлар қонуний бўлаверадими?

Натижа нима бўлди: икки ярим йилдирки на қўним бор, на ҳаловат бор. Наҳотки, шунча меҳнатларим бесамот кетса? Тўғри, ДМҚ билан тузилган шартномаларимизда мен томонидан бажарилиши, яъни тўловни амалга оширишда бироз муддат кечиктирилган бўлди. Лекин бу ҳақда мен қанча мурожаатлар, огоҳлантириш хатлари билан мутасаддиларга чиққан эдим. Қолаверса, тадбиркорлик дегани — таваккалчиликдай бир иш. Омадинг келса, ишинг олға силжийди, йўқса...

Нима бўлганда ҳам ушбу корхонани сотиб олиш учун қанча меҳнатимиз, маблағимиз сарф бўлди. Уни ишга тушириш, одамларни иш билан таъминлаш — биринчи галдаги вазифа эмасми? Шунча вақтдан буён бўлаётган тортишувдан кимга наф? Менга — ушбу корхонани сотиб олган мулкдорга ДМҚда қўшимча келишувни қонунга мувофиқлаштириш юклатиб, хатто шу даргоҳ раисининг биринчи ўринбосаридан даъвогар Ф.Тоғоев — менинг фойдагача маънавий зарар ундириш ҳам белгиланган. Тўғри, мазкур суд ҳуж-

Файрат ТОҒАЕВ,
тадбиркор, "Тегирмон Сервис Инвест" МЧЖ раҳбари.

ДУНЁДА НИМА ГАП?

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

ТАФСИЛОТ



“Халқ банкидан миннатдормиз!”

— дейишмоқда бухоролик мижозлар

Республикамиздаги Давлат тижорат Халқ банки нуфузи ва салоҳияти жиҳатидан бошқа молиявий муассасалардан ажралиб туради. Мазкур молия муассасасига ишонч билдираётганлар сони ҳам кундан-кунга ортиб бораётгани сўзимиз исботидир. Негаки, Халқ банки мижозлар кўнглига йўл топиб, уларнинг ишончли ҳамкорига айлана олган молиявий муассасадир.

Маълумки, банк тизимида мижозлар манфаатлари устуворлигини таъминлаш муҳим вазифа. Халқ банкининг Бухоро вилоят филиали ҳам ўз фаолиятида мижозлар билан ишлаш қамровини янада кенгайтириб, янги-янги ҳамкорлик қирраларини йўлга қўйиб, юқори натижаларга эришиб келмоқда. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, банк активлари ва ресурс базаси жорий йилнинг тўққиз ойида 21284,8 миллион сўмга етди. Хусусан, даромад келтирувчи активлар 87 фоизга ўсган бўлса, даромад келтирмайдиган активлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 989,5 миллион сўмга кўпайган. Қўриқиб турибдики, жамоа доимо изланишда бўлиб, зиммаларидаги масъулиятни вазифага жиддий ёндашмоқда.



чиликсиз қисқа вақт ичида 30 миллион сўм кредит беришди. Оиламиз билан айна дамада ўзимизнинг янги уйимизда истиқомат қилганимиз. Кредит фоизларини ойма-ой тўлаб, қарздан қутилиб бораёмиз. Бу бизга ўхшаган ёш оилаларга жуда қулай ва катта имконият эканлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим.

Аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида турли хилдаги уй-рўзгор буюмларини сотиб олиш учун 3250,1 миллион сўмлик истъёмол

фаолиятини кенгайтирмоқда.

— Халқ банкидан миннатдорман, — дейди Шофирқон туманидаги “Элёр-Чори” фермер хўжалиги раҳбари Эрдон Иброҳимов. — Зарурат туғилганда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун имтиёзли кредитлардан ҳам фойдаланиб келаямиз. Берилаётган кам фоизли молиявий маблағ биз деҳқонларга қўл келмоқда. Масалан, яқинда ҳам 38 миллион сўм кредит эвазига ғўза қатор ораларига ишлов берадиган “МТЗ-80” — русумли трактор сотиб олдим.

Дарҳақиқат, жорий йилнинг ўтган 9 ойида пахтачилик билан шуғулланувчи 839 та фермер хўжалигига 8189,2 миллион сўм ва ғаллачилик билан шуғулланувчи 611 та фермер хўжалигига 223,6 миллион сўмлик кредит ажратилди. Молиявий муассасанинг вилоят филиали тасарруфида 12 та туман бўлими 21 та мини банк, 22 та махсус касса ва 134 та шохобча доимий фаолият кўрсатмоқда. Мини банклар ва шохобчалар ҳамда кассалар орқали Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиши такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ давлат солиқ инспекциялари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, савдо қорхоналари каби қатор ташкилотлар билан шартномалар тузулиб, аҳолидан 18643,6 миллион сўм коммунал тўловлар йиғилиб, давлат газанасига кириб қилинди. Бугунги кунда жисмоний ва юридик шахслар ҳамда тадбиркорлик субъектларига берилган қисқа ва узок мuddатли кредитлар миқдори 21176,3 миллион сўмни ташкил қилиб, банк




Оилавий тадбиркорлик қилиш истагида бўлган вақтинча ишсиз ва кам таъминланган 978 нафар фуқарога 1054 миллион сўм кредитлар ажратилган бўлса, бюджетдан ташқари жамғарма ҳисобидан эса 96 фуқарога 91,4 миллион сўм берилди. Натижада 400 та янги иш ўринлари яратилди.

Мазкур молиявий муассаса асосан аҳоли билан ишлашда жуда катта тизимга эга бўлганлиги боис, аҳолига хизмат кўрсатиш борасида қатор қулайликлар яратишга эътибор бериб келинмоқда. Давлатимиз раҳбарининг “Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда жорий йилнинг 28 ноябрдаги “Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида омонатчилар талаб ва истаklarини ҳамда депозит бозорини таҳлил қилган ҳолда янги омонат турларини татиқ этиш бўйича тақлифлар киритилмоқда. Яна бир эътиборли томони шундаки, “Ишонч” телефонларининг узлуксиз фаолият кўрсатаётганлиги, мижозлар билан ишлаш бўлимларида “Омонат бурчаклари” ва хизмат турларини тарғиб этувчи реклама ва буклетлар жорий қилинганлигининг ўзининг самарасини бераётган. Йиллик 18 фоиз даромад тўлаш шарт билан бир йил мuddатга “Тадқим этувчи”, йиллик 3 ва 6 фоиз миқдорда даромад тўлаш шарт билан чет эл валютасидаги “Муддатли” омонат турлари ташкил этилди. Жорий йилнинг 9 ойида омонатлар миқдори 6659 миллион сўмни ташкил этди. Бир сўз билан айтганда, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини имтиёзли омонатларга жалб этилиши ҳар иккала томон учун ҳам манфаатли бўлмоқда.

Мамлакатимиз Президентининг “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳам юртдошларимиз томонидан илиқ қутиб олинди. Шу мақсадда режада белгиланган 750 миллион сўм ўрнига ҳозиргача 166 та ёш оилага 1106 миллион сўм миқдорда ипотека кредитлари берилди.

— Ипотека кредити олиш мақсадида банкнинг Бухоро шаҳар бўлимига мурожаат қилганимиз, — дейди Бухоро туманининг “Шергирон” қишлоқ фуқаролар йиғини “Қутисо” маҳалласида яшовчи фуқаро Фарход Қудратов. — Ортиқча оворагар-

Жорий йилнинг 9 ойида омонатлар миқдори 6659 миллион сўмни ташкил этди. Бир сўз билан айтганда, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини имтиёзли омонатларга жалб этилиши ҳар иккала томон учун ҳам манфаатли бўлмоқда.



кредитлари ҳам берилган. Хусусан, оилавий тадбиркорлик қилиш истагида бўлган вақтинча ишсиз ва кам таъминланган 978 нафар фуқарога 1054 миллион сўм кредитлар ажратилган бўлса, бюджетдан ташқари жамғарма ҳисобидан эса 96 фуқарога 91,4 миллион сўм берилди. Натижада 400 та янги иш ўринлари яратилди.

кредит портфелида кичик бизнес субъектларига берилган қисқа ва узок мuddатли кредит 6573,9 миллион сўмни ташкил этаётган.

Давлатимиз раҳбарининг “Пластик картончалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори талабларини бажариш мақсадида молия муассасаси томонидан ижобий кўрсаткичлар кўзга ташланмоқда. Масалан, шу йилнинг ўтган даврида 8185 та пластик картонча муомалага чиқарилди. Филиал ходимлари бу билан чегараланиб қолмасдан вилоятнинг аҳоли гавжум, бозор ва йирик турғун савдо нуқталарида 60 та терминал ўрнатиб, нақд пулнинг қўшимча даромад манбалари устида иш олиб боришмоқда.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, банкнинг қай йўсинда фаолият кўрсатаётганини мижоз баҳолайди. Уйлаймизки, хизмат кўрсатиш турларининг кўплиги ва қулайлиги билан аҳолига манзур бўлиб келаётган Халқ банкининг Бухоро вилоят филиали ҳам мижозлар олдидаги ишончини ошириш учун янада қизгин ҳаракат қилаверади.

Шавкат НОСИРОВ, ®
“Hurriyat” мухбири.

Бугун Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганга роса олтиш йил тўлди. Улкан халқаро аҳамиятга эга бўлган мазкур ҳужжат 1948 йилнинг 10 декабрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси учинчи сессиясида қабул қилинган эди.

Эркинликнинг буюк хартияси

Декларациянинг асосий муаллифи канадалик Жон Питер Хампдей ҳисобланади. Ушбу ҳужжатни тайёрлашда унга америкалик Элеонора Рузвельт, франциялик Рене Кассен, хитойлик Пенг-чун Чанг ва бошқалар яқиндан ёрдам берган.

30 мuddадан иборат декларация фақат тавсия ҳуқуқига эга. Аммо унинг асосида шартнома қатнашчилари учун бажариш мажбур бўлган иккита — Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ҳақида халқаро пакт ҳамда Иктисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳақида халқаро пакт қабул қилинган. Бу ҳужжатлар БМТга аъзо бўлган кўпчилик давлатлар томонидан имзоланган. Демак уларни бажаришга мажбурлар.

2004 йилги маълумотларга қараганда, декларация дунёдаги 300 дан кўпроқ тилларга таржима қилинган. У ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида ўзбек тилига ҳам ўгирилган. Элеонора Рузвельт уни “Эркинликнинг буюк хартияси” дея атайди. Шунинг учун баъзан ушбу декларация Инсон ҳуқуқлари хартияси ҳам деб юритилади.

1950 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти декларация қабул қилинган кунни Инсон ҳуқуқлари куни деб эълон қилди. Шундан бунён бу кун жаҳон ҳамжамияти томонидан алоҳида байрам сифатида нишонлаб келинади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси овозга қўйилганда кўпчилик уни қўллаб-қувватлаган. Фақат ўн та давлат вакиллари унга қарши чиққан ёки бетараф қолган. Шулар орасида собиқ Иттифоқ ҳам бор эди. Иттифоқ вакиллари ахборот эркинлиги ҳақидаги модда маъқул бўлмаган. Чунки ўша пайтда собиқ СССРда ахборот тарқатиш, умуман инсон ҳуқуқлари қозғоғидан эркин эди. Амалда эса матбуот цензура, одамлар хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан назорат қилинарди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берила бошланди. Кечагина қабул қилинганга 16 йил тўлган Бош қомусимизда ҳам Ўзбекистон халқларининг ҳуқуқ ва бурчлари белгилаб берилган. Шунинг кунини, Конституциямизнинг ҳар бир боби, ҳар бир моддаси барча халқаро талабларга жавоб бера олади. Уларни тайёрлашда жаҳондаги энг илгор, инсонпарвар мамлакатлар конституцияларидан, энг халқпарвар халқаро ҳуқуқий ҳужжатларидан фойдаланилган. Шунинг учун ҳам, халқаро экспертлар бизнинг Конституциямизни энг халқпарвар ҳужжатлардан бири сифатидан тан олишган.

Аҳамиятлиси, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидеги халқаро ҳуқуқ ва нормаларнинг барчаси бизнинг Конституциямизда ҳам ўз аксини топади. Шу боис, ушбу икки ҳужжат жуда бир-бирига яқин. Масалан, декларациянинг 4-

моддасида ҳеч ким қулликда сақланиши мумкин эмаслиги, қулликнинг барча турлари тақиқланиши айтилган. Худди шундай ҳуқуқ бизнинг Конституциямизда ҳам белгилаб берилган. Афсуски, айрим давлатларда бу муаммо ҳамон ўз ечимини топмапти. Сўнгги маълумотларга қараганда, ҳозир дунёда юз миллионлаб одамлар қулликка маҳкум қилинган. Айниқса, ривожланган мамлакатларда, жумладан, Европада кўплаб Шарқий Европа ва Осиёдан борган одамлар қул сифатида ишлатилаётгани ачинарли ҳолдир.

Декларацияда ҳеч бир инсон суднинг ҳукмига қамоқда сақланиши, қийноқларга солиниши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган. Афсуски бу муаммо ҳам ҳали дунёда ўз ечимини топгани йўқ. Бунга Африканинг ва Ироқда қўлга олинган диний-экстремистик гуруҳлар вакиллари ҳам белгилаб қўйилган бунён Гуантанамо қамқоғонисидеги судсиз-сўроқсиз ушлаб турилганларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Уларга нисбатан шифқатсизларча муносабатда бўлинган, маҳбуслар диний тақрирларини матбуотда бир неча бор ёзилди. Лекин уларнинг дунёдаги энг демократик, инсонпарвар мамлакат ҳисобланган бу оғриқли дардга нукта қўйишмаяпти.

Албатта, декларация қабул қилиниши бу инсонлар ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши деган гап эмас. Уни ҳар бир давлатда бажарилиши назорат қилиш лозим. Ҳар бир мамла-

кат ўз қонунларини унга мослаши ва бу қонунларнинг бажарилиши таъминлаши керак. Шунда инсон ҳуқуқлари том маънода ҳимоя қилинади. Афсуски, бугун бутун-бутун халқлар уруш қурбонига айланиб, оч-наҳор кун кечирмоқда. Мисол учун, биргина Африка қитъасининг бир неча мамлакатидеги узок йиллардан бунён фуқаролар уруши давом этаётган. Сибестчиларнинг ўзаро низои турфайи Суданнинг Дарфур музофотида миллионлаб одамлар қочқинликда кун кечирмоқда мажбур бўлаётган. Ваҳоланки, Инсон ҳуқуқлари декларациясида ҳар бир инсон эркин, ўзи истаган жойда яшаш ҳуқуқига эга эканлиги таъкидланган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг ҳар бир моддаси инсон, унинг ҳуқуқлари, тинчлиги, саломатлиги, хуллас унинг барча манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Шунинг учун ҳам, у бажариш мажбурий бўлмаган ҳужжат ҳисобланса-да, барча ҳуқуқий ҳужжатларда унга таянилади.

Маълумки, шу йилнинг 1 май кунини мамлакатимиз Президентининг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида”ги Фармони эълон қилинган эди. Унда мазкур ҳужжатни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш масаласи алоҳида таъкидланган. Ҳуқуқини билган одам ҳеч қачон ютқазмайди. Бу оддий ҳақиқат, албатта. Шунинг учун ҳам юртимизда ҳар бир инсонни ҳуқуқий билимга ўргатиш, унга ўз ҳуқуқини танитиш муҳим вазифага айланган.

ТЕРМИНАЛГА ҲУЖУМ



Кеча жангарилар Покистоннинг Пешавор шаҳри яқинидаги транспорт терминалига ҳужум уюштиришди. Натижада НАТО қулағига қарашли 96 та юк машинаси йўқ қилинди. Сал аввалроқ Reuters йўқ қилинган автомобиллар сони 62 та эканлигини хабар қилган эди. Кейинчалик эса улар сони 96 та эканлиги аниқланди.

Маълумотларга қараганда, ҳужум уюштирган жангарилар сони 200 нафардан кўпроқ бўлган. Жанг пайтида терминал қоровулларидан бири отиб ўлдирилган.

Бундан бир ҳафта бурун жангарилар НАТО қулағига озиқ-овқат олиб кетаётган 22 та юк машинасини ҳам йўқ қилишганди.

БЕРЛИНДАГИ АКС САДО



Грециянинг Берлиндаги консулигига 15 нафар киши бостириб қилиди. Улар Греция полицияси томонидан 15 ёшли ўсмирнинг отиб ташланишига қарши норозилигини шу йўл билан билдиришган. Бу ҳақда Германиянинг DPA ахборот агентлиги хабарига асосланиб, Bloomberg ахборот тарқатди. Грек миллатига мансуб бўлган кишилар консулиқдан чиқиб кетишдан бош тортмоқда.

Грециянинг ўзида эса, мана бир неча кундирки, тўполонлар тўхтамаяпти. Афина ва Салониқда полиция билан бўлган тўқнашуларда 21 нафар киши жароҳатланди.

Ўсмирни отишда айбланаётган полициячилар қамоққа олинган. Уларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

ТАРКИБИДА ДИОКСИН БОРЛИГИ УЧУН

Буюк Британия супермаркетларидан Шимолий Ирландияда ишлаб чиқарилган чўчка гўштлари йиғиштириб олинди. Ган шундаки,

текширувлар чоғида бу гўштлар таркибидеги диоксин моддаси нормадан 200 баравар кўп эканлиги аниқланган.

Экспертлар чўчкаларга диоксин моддаси ер орқали ўтган бўлиши мумкин деган тахминни қилдиришмоқда. Маълумотларга қараганда, сўнгги пайтларда Шимолий Ирландияда етиштирилган гўштлар дунёнинг 25 давлатига экспорт қилинган. Бу хабар барча харидорларни



хушёр торттирди. Тезлик билан Буюк Британиядан чўчка гўшти келтириш тўхтатилди. The Daily Telegraph газетасининг ёзишича, туманли албондан экспортга чиқариладиган гўштининг 8 фоизи Шимолий Ирландия ҳиссасига тўғри келади.

ТЕРРОРЧИ ҚўЛГА ТУШДИ

Покистондаги лагерлардан бирида “Лашкари Тайба” гуруҳи раҳбарларидан бири Заки-ур-Раҳмон Лаҳви қамоққа олинди. Хиндистон ҳуқуқи муҳофаза қилиш органлари уни Мумбайдаги террорчиликнинг ташкилотчиларидан бири сифатида қидираётганди.



Раҳмон Лаҳвининг террор ташкилотчиларидан бири эканлигини Мумбайда қўлга олинган ягона террорчи айтган эди. Хунрезлик амалга оширилган жойдан топилган далилий ашёлар ҳам Лаҳвининг бу терракта бевосита ташкилотчилик қилганини тасдиқлади.

Хиндистон маъмурилари Покистондан жиноятчини беришни талаб қилди. АҚШ ҳам расмий Қарағча террорчини Хиндистонга топшириш учун 48 соат муҳлат берди. Хабарларда таъкидланишича, Покистон Лаҳвини Хиндистонга беришига рози.

НАРКОДИЛЕРЛАРГА ҚАРШИ АМАЛИЁТ



Грузиянинг ғарбидеги Кутаиси шаҳрида полиция наркотиқларга қарши йирик амалиёт ўтказди. Бу ҳақда «Интерфакс» хабар тарқатди.

Ахборотда айтилишича, амалиёт чоғида наркотик моддалар савдоси билан шуғулланувчи 30 нафар киши қўлга олинган. Улардан катта миқдордаги қорадори ва кўкнори топилган. Амалиётнинг бошқа томонлари ҳақида ҳозирча ҳеч қандай маълумот тарқатилгани йўқ.

ГАЗЕТА СОТИЛАДИ



McClatchy медиакорпорацияси АҚШдаги энг йирик босма оммавий ахборот воситалари ишлаб чиқарувчилардан бири ҳисобланади. Баъзи манбаларга қараганда, у дунё газета бозоридеги учинчи ўринда туради. Флоридада нашр этиладиган The Miami Herald газетасининг қуллик тиражи 210 мингташи ташкил этади.

The Miami Herald кўчмас мулк рекламасидан каттагина даромад олади. Лекин сўнгги ойларида дунёда юз берган инқироз медиакорпорация иқтисодига ҳам ўз таъсирини ўтказди, рекламалар сони бирдан қисқариб кетди. Шунинг учун корпорация раҳбарияти The Miami Heraldни сотишни режалаштираётган. Ҳозирча уни ким сотиб олиши номаълум. Газета ходимлари ушбу хабарни рад этишаётган бўлса-да, корпорация хўжайинлари ўз режаларини яширишмаяпти.

Интернет хабарлари асосида Сардор ҲАМИДОВ тайёрлади.



"МИКРОКРЕДИТБАНК"

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ

Қадрли тадбиркорлар!

"Микрокредитбанк" бундан буюн Сизнинг яратувчилик борасидаги барча режаларингизни амалга оширишда янада қўллаб-қувватлайди!

Айниқса, оиласи учун доимий даромад манбалари яратишга бел боғлаб, тадбиркорликни бошлаётган ва сервис хизмати йўлга қўйишга киришган ёшларга, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ҳаракат қилаётган тадбиркорларга самарали имтиёз ва имкониятлар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 10 ноябрдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосан "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг:

— бошланғич сармояни шакллантириш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваридан 200 бараваригача миқдорда бериладиган микрокредитлари учун тўланадиган йиллик фоиз тўлови 5 фоиздан 3 фоизга;

— кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган энг кам иш ҳақининг 500 баравари миқдордаги микрокредитларининг йиллик фоизи Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 100 фоизидан 50 фоизга;

— энг кам иш ҳақининг 2000 баравари миқдорда бериладиган имтиёзли микролизинг хизматлари учун тўланадиган йиллик фоиз 7 фоиздан 5 фоизга туширилди.

Тежалган ва жамғарилган сармояларингиз янада катта режаларни амалга оширишга хизмат қилиши мумкин.

Таклиф сиздан — сармоя биздан!

Омонатга қўйилган маблағингиз Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Қонунига асосан давлат томонидан ҳимояланган. Фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлашнинг ишончли кафолатлари қонун билан таъминланади.

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: (8.371) 273-28-11, 273-05-87, 273-43-11
Манзил: 100096, Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 14-уй.

"Микрокредитбанк" сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!

халқимизни
бахтимиз Қомуси —
Конституциямиз қабул
қилинганлигининг
16 йиллиги байрами
билан самимий
муборакбод
этади.

"Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки жисмоний шахсларга ўзининг "Истиқлол", "Иқбол", "Ёшлик", "Антиқа", "Сармоя", "Коммунал-люкс", "Она юрт", "Шифокор", "Омад", "Кумуш тола", "Баҳор неъмат", "Меҳрибонлик", "Мададкор", "Камалак", "Нурафшон", "Мафтункор", шунингдек, чет эл валютасида қабул қилинадиган "Ишонч", "Кафолат" ва "Ишонч плюс" сингари омонат турларини ҳам таклиф этади.

Хизматлар лицензияланган.

"ХОРАЗМ ОЗИҚ-ОВҚАТ САВДО" масъулияти чекланган жамияти улгуржи универсал ҳудудий базаси жамоаси



халқимизни муборак айём —
Курбон ҳайити билан
муборакбод этади.
Барча эзгу орзу-ниятларингиз
амалга ошаверсин!

"Беруний" асари ёзиб тугалланганми?

(Бошланғичи 1-бетда.)

Биз ўн беш кун мобайнида издиҳомли Калкуттани, илонбозларни ва сеҳрарларни, Рабиндранат Тагорнинг ўйини, ажойиб косибларнинг ижодини, олти юз йил яшаб, бир неча гектар ерга томир ва бутқолган банан дарактини, турли дин ва мазабдаги тоифаларнинг галайти одат ва маросимларини... кўрдик.

Биз Банорас шаҳридаги бутқоналарни, Ганг дарёсидаги ибодатларни, бир неча тонналик олтиндан ясалган ибодатгоҳ гумбазларни, Будданинг туғилган жойларини кўрдик...

— Жайгур, Фатихтур, Агра ва бошқа шаҳарларда Шайхзода кўрган асар тарихий жойлар ва халқ турмуши манзаралари Берунийнинг "Ҳиндистон" асарида ўз тасвирини топган, улар Беруний даврида қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай эди.

Афсуски, Шайхзоданинг Фазна шаҳрига бориб, улғу олим ҳаётининг сўнгги даврини бевосита у яшаган ерда ўрганиш ораси хасталиги туфайли рўёбга чиқмади. Тарихий мавзудаги асарда давр руҳини ҳақоний акс эттириш — энг асосий масала. Агар тарихий давр асарда ўзининг ҳақоний ифодасини топмаса, унда тасвирланган тарихий шахс образининг ишонарли бўлиши амримаҳол. Тарихий жанрнинг шу "темир" қонунини яхши билган Шайхзода Тошкентда яшаб туриб ҳам олис асрлар билан улғувчи ришталарни топишга интилди. Юқорида номи тилга олинган адабиётшуноснинг айтишича, Шайхзода 1985 йилнинг баҳор ойларида ундан қуръа ва фол очиб ҳақидаги китобларни топиш мумкин ё мумкин эмаслигини сўрайди. У ўша йилларда ҳаёт бўлган кекса саҳуфлар билан учрашиб, улар ёрдамида шундай китобларни топиб, шoirга етказди. Бу китоблар билан танишган Шайхзода, мадомики, шундай китоблар сақланиб қолган экан, балки фолчи ва куръачиларни ҳам топиш мумкиндир, деб ўйлайди. Чиндан ҳам, бундай "ноёб" соҳа вакиллари ҳали анқонинг уруғига айланмаган эдилар. Шайхзода улар билан учрашиб, фол очиб усулларини кўн билан ўрганади. Сўнгра ўзининг бундай "бидъат" билан қизиқаётганини кўриб ажабланган шоғирдинга деди:

"Ажабланманг, Беруний ҳақида ёзилажак пьесада олимнинг қуръачилар, мунажжимлар ва фолбинлар билан бўладиган қизгин мунозара сахнаси бўлади. Мен буларни Ҳиндистонда ҳам кузатдим. Муслмон қуръачи ва фолбинларни ҳам ўз кўзим билан кўриб, улар иш услубини бир-бирига таққослаб, фарқи бор-йўқлигини аниқламоқчи эдим. Бундан ташқари, (мақсадим) олим яшаган давр куръачиларининг иш услуби билан (бу нарса "Қуръа" ва "Фол" китобида муфассал тасвирланган) ҳозиргилари орасида қандай ўзгариш борлигини билиш эди — фарқ унчалик катта эмас экан. Шарқ — Шарқ-да. Айтганча, Берунийнинг ўзи ҳам "Ҳиндистон" китобида бу урф-одат ва эътиқодларнинг хилма-хил турларига алоҳида эътибор беради, батафсил баён қилади. Пьесада Берунийнинг қарашларини бўрттириш борасида, гарчанд галат ва бидъат туолса-да, бу урфий эътиқодларни четлаб ўтиб бўлмайди. Шу туфайли мазкур манзарани тасвирловчи маҳсус сахна киритиш ниятим ҳам йўқ эмас..."

Шайхзоданинг бундай ниятидан хабардор мазкур адабиётшуноснинг айтишига кўра, асар беш парда, етти ёки тўққиз кўринишдан иборат тарихий драма бўлиши лозим эди. "Сўхбатлардан бирида, — деб ёзган эди у, — пьесанинг композицион қурилишини тахминан қуйидагича баён қилган эдилар:

Биринчи ва иккинчи пардалар — Беруний илмий фаолиятининг Хо-разм даври (олимнинг ўз юртига қайтиши); унда Беруний ва Ибн Сино муносабатлари; илмий ҳам-корлик ва улар орасидаги илмий мунозаралар; Беруний ва Шоҳ Маъ-мур; Берунийнинг улғу олим сифатида донг таратиши; Султон Мах-мурдинг Хоузга босқини; Хоуз осмонидан қора булутлар.

Учинчи парда — Фазна; Беруний ва Султон Махмур; олим илмий фаолиятининг Фазна даври. Тўртинчи парда (энг катта пардалардан) — Беруний Ҳиндистонда; қадимий Гу-жорат; Беруний ва Ҳинд олимлари; "Ҳиндистон" китобининг дунёга келиши. Бешинчи парда — яна Фазна; олим ҳаётининг кейинги палласи; Беруний ва Султон Масъуд; "Қону-ни Масъуд" китобининг ёзилиши.

Эпилог (хотима) — устознинг ния-тияча, қолдузлар порлаб турган кў-жассам сиймоси; унинг нуруний сиймосидан ҳар тарафга заррин зёе таралиб кетган; у авлодларга му-рожаат тарзида васият-монологини

ўқийди. Парда бекилади".

Агар замондошларнинг Шайхзо-дадан эшитиб, баён қилган шу сўзлари ҳақиқатга яқин бўлса, пьеса шундай композицияга асослан-ган беш пардали тарихий драма сифатида майдонга келиши лозим эди.

Шайхзода 1966 йил 18 июль куни озарбайжонлик тадқиқотчи Жамол Муҳаррамлига йўллаган хат-да мазкур асар устида ишлаёт-ганлиги тўғрисида хабар бериб, бундай ёзган: "Бу кунларда Х ас-рининг машҳур олими ва фозили хо-размлик Абу Райхон Беруний тўғ-рисида ёзилажак пьеса устида ишла-моқдаман. Аммо саломатлигининг бир оз мазаси йўқ. Муолажага ва дам олишга эҳтиёж сезмоқдаман".

Шайхзода 1966 йил июлининг сўнгги кунларида Москва қилин-диги касалхоналардан бирида даво-ланганида ўша ёқдан ёзувчи Асқад Мухтор ва шоир Жуманиёз Жаббо-ровга йўллаган хатларида ҳам бир неча шеърлар ёзиб, уларни Тош-кентдаги газета ва журналга юбо-раётганини айтган. Берунийга ба-ғишланган асар тўғрисида эса бу хатларда бир оғиз ҳам сўз йўқ. Шундан маълум бўладики, шоир Москвада пайтида мазкур асар устида ишлаш имконига эга бўлма-ган.

Бу асар тўғрисидаги сўнгги маъ-лумотлар шоир Шухратнинг хоти-раларида мавжуд. У Шайхзодани, чамаси, 1966 йилнинг январь-фев-раль ойларида кўрганни эслаб, бундай маълумот берган:

"У билан охириги учрашувим ши-фохонада бўлди. Палатада Сакина-хоним (Шайхзоданинг умр йўлдо-ши. Н.К.) билан икковлари экан. Хона ёруғ, файзли, бир чеккада иш столи. Столда қўл соати ва иккита катта қалин дафтар. Хол-ахволни сўраган:

— Шу ерда ҳам ишлаяпсиз, ше-килли? — деб, дафтарга ишора қилдим. Мен яхши билардимки, шоир ана шунга ўхшаган катта дафтарга ёзишни яхши кўрар эди.

Сўнгги йилларда унинг Абу Райхон Беруний ҳақида тарихий драма ёзаётганидан хабарим бор эди. Чиндан ҳам дафтарлар ўша драманинг қоралмаси бўлиб чиқ-ди. Менинг сўзимдан кейин Шай-хзода битта дафтарнинг устига папкасини қўйиб деди:

— "Беруний". Озроқ иши бор". Афсуски, Шайхзода ҳаётининг сўнгги йилларида ёзила бошла-



ган ушбу тарихий драманинг ке-йинги тақдири номаълум.

Ҳозирча қўлимизда асарнинг М. Зокиров томонидан эълон қилинган кичик бир парчасигина бор, холос.

Асар хотиранавислар Беруний ҳақидаги драманинг ёзиб тугал-ланганлиги, хатто айрим парча-ларини шоир томонидан эшитган-ларини нақл қиладилар. Бизнинг-га, агар асар яқунланган ёки яқунланиш арафасида бўлган бўлса, Шайхзода унинг айрим лавҳаларини эълон қилган ёки шу лавҳалардан бирортаси машина-ланган шаклда бизга етиб кел-ган бўларди. Шоир Шухрат хоти-расида тилга олинган "икки қалин дафтар" мазкур асарнинг тугал-ланмаган қоралама нусхасидан иборат, десак, янглишмаган бўла-миз.

...Шайхзода 1967 йилнинг фев-раль ойида Тошкент шаҳридаги ши-фохоналардан бирида давола-наётган эди. 19 февраль куни си-ҳат-саломатлиги дафъатан оғир-лашиб, соат 11 яримда улғу шо-ирнинг жони узилади. Муошибат дақиқаларидаги ола-тўполон чо-ғида адибнинг энг сўнгги асари — икки умумий дафтардан жой олган "Абу Райхон Беруний" дра-маси беиз йўқолади.

Уни ким олган бўлиши мумкин? Шоирнинг ғанимларидан бирими ёки бошқа бир кишимми?.. Бу асар-ни топшининг илоҳи борми? Қирқ йилдан бери берилётган бу саволга бирор киши ҳозиргача ижобий жавоб бера олмапти.

Наим КАРИМОВ

МАЪНАВИЯТ

ТААССУРОТ

Асарнинг экрандаги талқини

Шу кунларда Алишер Навоий номидаги республика санъат саройида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тохир Малик асари асосида ишланган "Иблис девори" номли фильм томошабинлар эътиборига хавола қилинмоқда.

Тўхталиб қолинг. Масалан, унинг олим эканлигини фақатгина "оппоқ дода" яъни амаки келгандагина унинг сўзларидан англайсиз. Унгача ука образини гўёки, савдо-сотик билан шуғулланган "бизнесмен" хотинининг топганига кўз тикиб, уйда ўтиради-

Шу ўринда яна бир мулоҳаза: бугунги томошабин нега корейс сериалларини севиб томоша қилмоқда? Сабаби, чет эл сериаллари ва фильмларнинг ҳаётийлиги шундаки, ҳар бир фильм ишланганидан сўнг мутахассислар томонидан муҳокамаси бўлиб ўтар



Аслида ёзувчи Тохир Малик асарларини севиб мутлола қилмаган ўзбек китобхони бўлмаса керак. Фильм режиссёрлари — Ёдгор Саъдиев ва Аюб Шаҳобидинов. Томошабинлар кўпдан бери Тохир Малик ҳамда Ёдгор Саъдиев ҳамкорлигида янги киноасарни кўриш орзусида эди. Ва ниҳоят, янги кинофильмни кўрган томошабин фильм гоёси жуда яхши ўйланган, меҳроқибат масалалари кўтарилган экан деган фикрга келади. Ҳақиқатан ҳам фильмда ижтимоий ҳаётдаги муаммолар масалаларнинг кўтарилганлиги бевоСИТА Тохир Малик қаламининг кучи, маҳорати самарасидир деб айтиш мумкин. Диалоглар изчиллиги, лўнда ва қисқа, маънодорлиги образларда акс этади. Бадийлик муҳим жиҳатлардан бири бўлган. Фильмда Ёдгор Саъдиевнинг ўзи ҳам амаки ролида суратга тушган. Бундан ташқари, Карим Мирҳодиев, Илмира Раҳимжонова каби истеъдодли киноактёрлар билан бирга, янги номлар — ёшлар ҳам бир қанча роллар ижро этишган. Уларнинг маҳоратлари таҳсинга сазовор. Лекин асарнинг том маънода моҳиятига эътибор берадиган бўлсак, фильмда майда турмуш кўринишларига бироз

ган кимсамикан деган ўйга боради томошабин. Ваҳоланки, у олий даргоҳда ишлайдиган ўқитувчи, "Иблис девори" фильмининг саъз фильмлар сирасига қўшиб бўлмайди, албатта. Чунки, бу фильмдаги гоЯ томошабинларга таъсир этмай қолмайди. Бир машхур файласуф айтган экан: "Бугунги камчиликларни кўра, англай билиш — келажакдаги ютуқларнинг мевасидир". Ҳақиқатдан ҳам шундай.

олим экан! Унда кўтарилган ижтимоий масалалар ечимсиз қолган. Хусусан, безори боланинг тақдирини нима бўлди? Унинг отаси родини Элёр Носиров ижро этган. Лекин тарбия масаласининг ечими кўрсатилмаган. Аканинг иккинчи ўғли санъаткор — наф чалади. Ярим тунда унинг девор устида най чалиб ўтириши кадрлари яхши топишган, аммо айтилмоқчи бўлган изтироб, кечинмалар етарлигача очиб берилмаганга ўхшайди.

экан. Муҳокамадан сўнггина фильмлар катта экранларда намойиш этилади. Бизда ишланган фильмлар ҳам экранга чиқишидан олдин мутахассислар «чигирин»-дан ўтса керак, албатта. Аммо шундай "муҳокамалардан" сўнг, имкон қадар фильмдаги камчиликлар тўзатилиши керак-да. Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб шунини айтиш мумкинки, экранларимизда ҳақиқий кино асарларини яратишга эътибор қаратилса фойдадан холи бўлмасди. "Иблис девори" фильмининг саъз фильмлар сирасига қўшиб бўлмайди, албатта. Чунки бу фильмдаги гоЯ томошабинларга таъсир этмай қолмайди. Бир машхур файласуф айтган экан: "Бугунги камчиликларни кўриб, англай билиш — келажакдаги ютуқларнинг мевасидир". Ҳақиқатан ҳам шундай. Зеро, томошабинлар бугунги кунда ҳам "Маҳаллада дувдуг гап", "Келинлар кўзғолони", "Мафтунингман", "Утган кунлар", "Шум бола" каби ўзбек киносининг олтин мероси, фонди бўлган фильмларини ҳали ҳам севиб томоша қилишлари беҳиж эмас. **Шаҳло АБДУРАҲМОНОВА,** **ЎЗМУ журналистика факультети 1-курс магистранти.**

МУЛОҲАЗА

Болалигимда билмасдан бирор ножоиз савол бериб қўйсам дарров катталардан балого қолардим. "Мактабга боришим шартми?", "Математика нима учун керак?" деган гаплар бошимга қанча маълумат ёғдирганини билсангиз эди.



Сукрот хавотири

ёхуд нима учун Навоийни тушунма-япмиз?

Сизнингча, ҳазрат Алишер Навоий қачон яшаган? Мабодо шу саволни берсам, тахминан шундай жавоб берган бўлардингиз: — Эй, шунинг билмайсанми, 1441-1501 йиллар орасида яшаган, буюк бобомиз ўзбек шеърятининг султони ҳисобланади. У яратган адабий мерос ҳамон юрагимизни ҳаяжонга солиб, бизни маърифат дунёсига чорламоқда. Демак, Навоий бугун ҳам қалбимизда яшамокда. Лекин ҳиссиёт билан эмас, босиқлик билан жавоб беринг-чи, Навоий ростдан ҳам қалбимизда яшамокда? Унинг асарлари бугун ҳам қўлма-қўл бўлиб ўқилаётими? Нега жимсиз? Нега ўйланиб қолдингиз? Йўқ, биз истаганчалик, ўйлаганчалик эмас, дейсизми?.. Ҳа, фикрингизга қўшилмай илож йўқ. Чунки агар шундай бўлганида бозор адабиёти, бозор матбуоти ҳозиргичалик гуллаб-яшнамаган бўларди. Агар ҳазрат Навоийни тушуна олганимизда эди бугунгидек енгил-елпи "асар"лар ҳам кўпайиб кетмаган бўларди. Яқинда бир ибратомуз ҳикоят ўқидим, сиз ҳам эшитинг: "Деидларки, доғишманд Сукрот Ҳақим очик майдонда шогирдларига дарс ўтаётганида ногоҳон кўхликкина бир жувон унга гап отибди: — Ҳой, Сукрот, бу боқкишларни бунча қўйнаб, миясига нималарни қуяпсан, ҳозирок вайсашни тўхтат. Йўқса, бир жилмаяман, уларнинг ҳаммаси сени ташлаб, ортимдан эргашади. Шунда Сукрот дебди: — Тўғри айтасан. Сен бир кўз сузсанг, бас, шогирдларим ёнингда парвона бўлишади. Чунки сен уларни тубанликка етаклайсан. Пастга кетиш доимо осон. Мен эса уларни юксакка чорлайман. Юқорига чиқиш ҳамиша қийин..."

диган бўлсак, оддий ўқувчиларнинг лугат титқилашига мен унчалик ишонмайман. Ахир, бадий китобларни аввало эстетик завқ олиш, ҳаётнинг бадий талқинини кўриш учун ўқиймиз-ку. Улардан кўшимча маъномазмун топиш, қиссадан ҳисса чиқариш эса иккинчи масала. Навоий асарларини фақат лугатлар орқали ўқиш ёшларни чарчатиб қўяди. Уни ўрганиш учун бошқа қулайроқ, соддароқ йўллари топишимиз керак эмасмикин? Балки кимдир айтар, ҳазрат Алишер Навоий буюк ижодкор, уни ҳамма ҳам тушуна олмайди ва тушуниши ҳам шарт эмас, деб. Менимча бу фикр нотўғри. Ахир туркий тилда ҳаммадан кўп ва хўб ёзган зот ўша мисраларни замоналар оша келадиган адабиётшуносларга «ўзини кўрсатиб қўйиш» учунгина битмагандир. — Аслида, Алишер Навоий замонида ҳам у кишининг асарларини тушуниш осон бўлмаган, — дейди таниқли адабиётшунос олима, "Буюк хизматлари учун" ордени соҳибаси Сўйима Ғаниева. — Аммо бу Навоий жуда мураккаб тилда ёзар экан, деб унинг асарларини ўқимаслик керак дегани ҳам эмас. Мазкур асарларнинг кўпчилик томонидан севиб мутлола қилинишига эришиш учун, аввало таълим муассасаларида, ҳатто жоиз бўлса, болалар боғчасида бошлаб мутоз адабиётимиз асарларини ўқитишни янада такомиллаштириш лозим. Қолаверса, оммавий ахборот воситаларида ҳам Навоий асарларининг таҳлилига алоҳида эътибор қаратиш керак. Тўғри, ҳозир ҳам радио ва телевидениеда, газета ва журналларда турли кўринишдаги кўрсатув ва мақола-лар бериб борилаёпти. Аммо уларнинг аксарияти фақат шу соҳа мутахассислари учун яратилаётгандай. Натижада қанча меҳнат эвазига дунёга келган юксак савиядаги асарлар баъзи ёшларнинг ва оддий китобхонларнинг эътиборидан четда қоляпти. Дарвоқе, навоийшунос олима ҳақ, буюк мутафаккир ижодиёти неча йиллардан бери ўрганилади. Шу давр мобайнида унинг ижоди-га бағишланган қанчадан-қанча диссертациялар ёқланмади. Турли-ча қарашлар, талқинлар баён этилди. Ҳатто Ҳазрат асарларининг коммунистик мафкурага муштарак жиҳатларини топишга уринган пайтларимиз ҳам бўлди. Шўрки, бугун мазкур асарлар бор ҳолича холис ўрганилмоқда. Аммо бу ҳам бобомиз асарларини кенг миқёсда тарғиб қилиш учун етарли эмас. Инсон қалби бамисоли саҳий

тупроқ. Унга тушган ҳар қандай уруғ албатта, уни чиқиб, мева беради. Бугун ёшлар юрагига Навоий асарларидаги олижаноб туйғулар, инсонпарварлик гоёлари кириб бормайдиган бўлса, уларнинг ўрнини хориждан кириб келадиган турли хил ахлоқсиз гоёлари тарғиб қилувчи "асарлар" эгаллаб олиши қийин кечмайди. Бугун ҳазрат Алишер Навоий биз билан яшамётган бўлса-да, олти асар наридан туриб унинг бебахо асарлари бизни юксакликка чорламоқда. Хориждан кириб келадиган турли хил ярим яланғоч фильм ва кўшиқлар эса бизни маънавиятсизликка етаклапти. Яшириб нима қилдик, ҳозир уларнинг бозори чаққон. Тиббиётдан маълумки, турли зарарли микроблар аввало инсон организмидега заифлашиб қолган аъзоларда ривожланади. Демакки, зарарли иллатлар ҳам маънавият ва маърифат сусайган жойда авж олади. Бугун мафкуравий таҳдидлардан турли чегараларни барпо этиб, ҳимояланиб бўлмаса-да, Навоий асарлари билан кулраниш ёшларимизни ёт гоёлардан асровчи мустаҳкам қалқонлардан бири бўла олади. Шундай экан, имкони борича Навоий асарларини ёшлар орасида кенгроқ тарғиб этиши йўллари топайлик. Бундан беш-олти йил аввал "ойинаи жаҳон" орқали эшитган эдим. Алишер Навоий асарларини кўпроқ ўқиш ва ўқиш кераклиги, Навоийни англаш нечоғли муҳим эканлигини Юртбошимиз Исмоил Каримов катта йиғинлардан бирида алоҳида таъкидлаган эдилар. Зеро, бугун ҳам бу борада Президентимизнинг маънавиятга алоҳида эътибор қаратишлари "Юксак маънавият — енгилмас куч" деган асарларида маънавиятнинг устултигини, қадри баландлигини эътироф этаётганлари беҳиж эмас. Майли, ёшлар ўз севиғисини худди Эркин Аъзамнинг "Навоийни ўқиган болалар" ҳикоясидаги қахрамонларга ўхшаб Навоий асарлари орқали изҳор этсин. Бобомиз асарлари севишганларнинг-да севили китобига айлансин. Худди Отабек ва Кумуш Фузулийни мутлола қилгани каби. Майли, уяли телефонимиздаги хабарлар ҳам Навоийнинг гўзал сатрларига тўлиб кетсин. Ишқилиб Навоийни ўқисак, уни идрок этсак бўлгани.

Элбек ЖУМАНОВ

МУТЛОЛА

Яхшилар ҳамиша барҳаёт

Шўкрона айт аввал парча нон учун, Сўнг қултум сув учун шўкрона такрор. Чунки бу оламда яширмоқ нечун Сенга шуларни ҳам кўп кўрганлар бор. Буюклар бахтига ҳавас қил, аммо, Инсонлигинг учун шўкр айла зинҳор. Чунки бу оламда сен учун ҳатто Оддий инсонлигинг кўп кўрганлар бор. Севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг ушбу сатрлари ҳаёлимизда чарх урганда, бугунги тинч ва тўкин ҳаёт учун беихтиёр шўкрона айтасан киши. Улуғларимиз қолдирган маънавий меросни ўрганмоқ, қадрига етмоқ ва шарафламоқ зиммамиздаги бурч ва масъулият эканлигини яна бир бор ҳис этамиз. Аслида, одамзотнинг хотираси ободлиги хайрли амаллари, мерос қолдирган илму ҳикмати, муносиб фарзанд ва шогирдлари билан бардавом экан.

Мана шундай эзгу амаллари билан барчага ибрат бўлган нуроталик отахон Жуманиёз ҳожи Хайитов ҳар доим яхшилик қилишни улуг фазилат деб билган, иккинчи жаҳон урушида иштирок этиб, фашизм балосига қарши курашган жангчилардан бири эди. Яқинда «VORIS NASHRIYOT»-да чоп этилган Абдумурод Тиловов ва Суяндиқ Мустафоев ҳаммуаллифлигидаги "Дехибаланд фарзанди" номли китоб табаррук отахоннинг ибратли, хайрли ишлари, ўтган ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилади. Мазкур китоб урушда қатнашган инсон ҳаёти тимсолида хотиржамлик улуг ютуқ эканини англаштиришга қўлмай, уруш йилларидаги фронт ва фронт ортидаги ҳаётни ўзига хос тарзда кўрсатиб беради. Дарҳақиқат, бу қиргинбарот урушлар қанчадан-қанча умрлар-


ни ҳазон қилмаган дейсиз. Тўп-ламда Жуманиёз ака Хайитовнинг жангда оло жорак билан бўлиб ўтган аянчли уруш йиллари таъсирли акс эттирилган. Айниқса, жанггоҳларда қадрдон бўлган дўстлари, энг оғир дамларда иззат-икром кўрсатган украин қардошлари билан кечган аjoyиб хотиралари китобхонни бефарқ қолдирмайди. Тўп-ламдан Жуманиёз ака Хайитовнинг «Саргузашт дафтари» деб аталган эсдаликлари ҳам жой олган. «Уйғоқ хотиралар» номли мақолада эса отахоннинг набираларидан бири шундай эслайди: «Бобом урушдан ярадор бўлиб қайтган бўлса-да, ногиронлик нафақасига чиқмасдан, бир соғлом одамдек меҳнат қилган. Дехибаланддаги эниёр-гоҳларни обод гўшага айлантириб, эл-юрт хурмат-эътиборига сазовор бўлди».

ДУНЁЗОДА

Бухоро вилоят Махсусийўлқўприк пудрат таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонаси жамоаси

барга ватандошларимизни, қурибгино бүндёкор ҳамкасбларини Ўзбекистон Республикаси Қонетиётқияси қабул қилинганлигини 16 йиллиги ҳамда муқаддас Қурбон ҳайити байрами билан тин қамбадан таъбирқилайди. Ҳурметингиз тини, халқингиз ҳаммиша омон бўлисин.

Ҳар бир хонадонга фрайзу барака, эзгуликлар ёр бўлсин!



МЕРОС

БАДИА

СПОРТ

Шоҳи Зинда... ҳайрат маскани


Самарқандни, бу қадим ва мафтункор юрдаги бетакрор обидаларни, хусусан Шоҳи Зинда тарихий мажмуаси ҳақида бугун бутун дунё биледи, десак хато бўлмайдими.

Яқинда яна бир бор мазкур зиёратгоҳга бордим. Мени мажмуа экскурсоводи Ҳамроқул Қаюмов илиқ қарши олди.

— Кунига юзлаб, ҳатто минглаб зиёратчилар келишади, — дейди у. — Уларни қизиқтирган саволларга жавоб бераёلمиз. Шунингдек, бу ерда мажмуа ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам берадиган китоблар ва санъат намуналари бор. Меҳмонлар мажмуа ҳақида, Самарқанд шаҳри ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлишни хоҳлайдилар, албатта. Улар турли техник воситалар орқали зиёратгоҳнинг фото ва видео тасвирларини олишяпти.

Ҳамроқул ақанинг сўзларидан фахрлиниш туйғуларини сездим. Бу аждодларимизнинг биз авлодларга қолдирган табаррук меросини қадрлаш туйғуси эди. Бизни юқорига олиб чиққан зиналарга, уларга қадам қўяётган меҳмонларга қараб ўйладим. Агар қалбингиз юксаклики соғинган, чинакам санъат асарларини кўришни истаган бўлсангиз, шу ерга келавингиз. Бу ерда инсоният яратган улғун муъжизани кўрасиз. Самарқанд шаҳри ҳақон цивилизациясининг илк бешиги эканлигига имон келтирасиз.

Кулоққа турфа хил хорижий тиллардаги сўзлар эшитилади. Лекин тиллар ҳар хилу фикр бир хил — ўзбек халқи яратган муъжиза олдида ҳайратланиш, таъзим қилиш, лол қилиш, ақл бовар қилмайдиган санъат олдида тан бериш. Қаранг, халқимизнинг нақадар юксак диди,



теран ақли, ақл-заковати бор. "Бизнинг кудратимизга шубҳа қилганлар бўлса, қурган биноларимизни кўрсин" деган соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг сўзлари кулгоғим остида жаранглаб кетади.

Афросиёб тепалигидидаги бу зиёратгоҳ йигирмадан ортиқ меъморий иншоотлар — мақбаралар, масжидлар ва мадрасалардан ташкил топган. Тарихнинг қафолат беришича, XIX асрнинг охирига қадар бу ерга қирадиган дарвозанинг пештоқида "Ушбу буюк бинони Абдулазизхон бин Улуғбек қўрагон бин Шохруҳ бин Амир Темур қўрагон 838 (1435) йилда қурдирган" деган ёзув бўлган.

Ҳамроқул ака айтган қўйдаги ҳикоятни битта мен эшитмаган бўлсам керак: "Пайғамбаримиз Муҳаммад(с.а.в.)нинг ама-

кивачаси бўлган Қусам ибн Аббос бир жангда ҳалок бўлибди. Унинг ўлмаган танаси ёғилар кесган бошини қўлига олиб, ер ости йўлидаги қўйиб бўлибди... Лекин у ҳамон тирик эмиш...". Ёдгорлик мажмуасининг номи Шоҳи Зинда (Тирик шоҳ) ана шу ривоятга асосланган. Зиёратгоҳдан жой олган Хўжа Аҳмад, Шоди Мулк Оқа, Амирзода, Уста Олим Насафий, Амир Бурундук, Туман Оқа, Қозисода Румий каби мақбаралар халқимиз меъморчилик санъатининг бебаҳо намунаси сифатида қад ростилашган. Мақбараларни соатлаб томоша қилаётган дунёнинг турли мамлакатларидан келган сайёҳларни кўриб вужудимизда фахрлиниш туйғусини сезамиз. Мажмуа Президентимизнинг 2004 йилдаги махсус қарорига қўра тўлиқ таъмирланди, ободонлаш-

тирилди.

Ҳар бир қаричи тарих, афсона бўлган бу ерни зиёрат қилишда тартиб-интизом сақланаётганини, сайёҳу меҳмонлар масъулиятни чуқур ҳис қилаётганини сезасиз. Овозини пасайтириб гапиратган, ёдгорлик тошларига эҳтиёткорлик билан қўл теккизаётган зиёратчиларни кўриб ҳайратингиз янада ошади.

Ахир, бу даҳмалар остида ер юзини ақли, тадбиркорлиги билан қойил қолдирган не-не саркардалар, олиму фузалолар ётишибди. Минг-минглаб инсонлар бу мақбараларни табаррук деб билиши, келиб зиёрат қилиши дилларига таскинлик, чексиз гурур ва шижоат бахш этиши беҳиз эмас.

Пардабой ТОҶИБОВ

САНЪАТ

ТАФАККУР

ПИФАГОР

(Милоддан аввалги 576-496 йиллар)

Ўтган кун ҳақидаги: «Мен уни ўтказдим, нималар қилдим-у, нималарга улгуролмадим?» — деган саволларга жавоб топилмагунча кўзларинг уйқуга кетмасин.

Тартиб сенинг муқаддас мақсадинг бўлсин. Сен бу мақсад йўлида астойдил хизмат қил. Чунки тартиб ҳамма парсанинг мажмуасидир. Таъриқнинг мавжудлиги асосида ҳам тартиб ётади.

Хусусий мулк бўлмаган фуқаро беватандир.

Рафиқаси билан муросага келолмаган одамни дўст тутма.

Халқона кўшиклар сехри

Ўзбек миллий эстрада кўшикчилиги ҳақида гап кетганда, фарғоналик ижодкор Дилшод Аҳмадшо номи алоҳида тилга олинади.

Унинг халқ оғзаки ижоди намуналарига оҳангдош тарзда яратган юздан ортиқ кўшиклар бадий қиммати билан аҳамиятга эга.

Дилшод илк яратган кўшикларидан бири — «Чанг кўчалар»нинг яратилиши ҳақида шундай дейди: — «Чанг кўчалар» кўшиги аввало гўзал туйғуларимга вобаста бўлганига боис, сўзлари, оҳанги юрагимдан меҳр булғи сингари куйилиб келди. Бу кўшикни халқимизга танитган санъаткор Озодбек Назарбеков бўлади.

Умуман, ҳар қандай кўшиқ халқона рух, миллий оҳангларга йўғрилган бўлсагина, санъатсеварлар қалбини сехрлайди. Бугун эстрадамизга миллий оҳанглarning кириб келатгани мени беҳад хурсанд этади.

Дилшод Аҳмадшо ўзбек кўшикчилигини фольклорсиз, халқ оғзаки ижоди аъёнларисиз тасаввур эта олмайди. У ешлигидан санъаткорлар даврасида улғайди. Отаси Ҳасанжон Аҳмадшоев мақом, халқ кўшикларига ихлоси билан бўлган. У уни тугилган Қувасойда "Тиканак" номи ансамбль тўзди. У ана шу ансамблда қатнашиб, шу ерда ижро этилаётган кўшикларни бутун муҳити билан англаб, санъатнинг мазмун-моҳиятини тушуниб етди. Кейинчалик ўзи ҳам худди шу йўлда ижод қила бошлади. У яратган "Вафодорим, деб йиллама", "Майдагина хол қўйган юзига", "Сени севмасликка баҳона бўлмас", «Бешикни суяр аёллар» деган кўшиклар санъат ихлосмандлари юрагидан жой олди.

Аслида яхши кўшиқ сўз, куй ва ижрочининг овози уйғунлашувидан дунёга келади. Дилшод Аҳмадшо томонидан ана шундай тарзда яратилган кўшиклар кўлаб хонандаларни халқимиз эътиборига сазовор этди.

Ўзбекистон халқ артисти Фуломжон Ёкубовнинг "Бўёқ сурма, лабинга жонон", "Тонглаз отар", Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулсанам Мамазоитовнинг "Бошимда ипак рўмоним", "Севаман демадим сендан бошқани", хонанда Дилноза Исмиёминованинг "Ноз қиламан сизга", "Акам бўлинг", "Дуторимнинг бир тори", "Ота-онам — бахтим менинг" сингари халқона оҳанглар жаранглайдиган кўшиклар Дилшод Аҳмадшо билан ижодий ҳамкорликнинг мевасидир.



Дилшод билан учрашганимизда Илхом Фармонов билан яратган "Шайдини шайдо" кўшиги нақоратини қандай топангани ҳақида сўрадик.

— Халқ термаларида инжа маъно ва қочиримларга эга бўлган мисралар жуда кўп. Ушбу мисраларга эътибор қилинг-а:

Чирманданги қасратган билангидан айланай,
Йигит-қизни яшнатган замонамдан айланай.

Шайдини шайдо... Ана шу мисрадаги "Шайдини шайдо" деган сўзлар менинг кулгоғим остида узоқ пайтлар жаранглаб юрди. Кейин шу кўшикни Илхом Фармонов билан тайёрладик...

Кейинги пайтда иктидорли санъаткор янада гўзал ва мазмунли кўшиклар яратиш борасида жиддий изланишлар олиб бормоқда. У халқимизнинг классик шоирлари Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Аҳмад Ясавий, Махтумқули, Зебунисо, Увайсий ва Огаҳий шеърларини мутлоа қилиб, мумтоз оҳангларда дилрабо кўшиклар яратиш халққа тақдим этмоқда. Бу йўлда унга ижодий парвозлар тилаймиз.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Тахрир хайъати: Хуршид ДУСТМУХАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тулан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Хосил КАРИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шерзод ФУЛОМОВ

Тахририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилади.

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: 236-53-92, 236-53-31, 236-23-13, 236-53-38, 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-56-38 Тел-факс: 233-36-02

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон — 8-361-505-98-11 Сурхондарё — 8-376-335-10-22
Бухоро — 8-365-715-30-57 Фарғона — 8-373-225-80-58
Самарқанд — 8-366-233-62-12 Хоразм — 8-362-226-20-80
Сирдарё — 8-367-374-81-53

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Набатчи: Иномжон АБДИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.40

® — тижорат белгиси.

Буюртма — Г-1154 Адади: 5002 2 3 4 5 6 7 8

HURRIYAT
Муассисе: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528
Индекс: яқка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Билмадим, бу не сир, қандайн тақдир? Киприқларим қоқсам исминг тўкилар. Мен ёндим... дунё ҳам мен билан ёнди, сен қайси фалақдан тушиб келдинг ИШҚ? Нигоҳим қадалган ҳар бир нуқтада товушинг жаранги, ёдинг жаранги. Сенинг ҳаётингга боримиди даҳлим, сени уйламоққа боримикан ҳаққим?
Сен ҳали оқушлар кўрмаган тушсан! Абодий ҳаёлсан, абодий фироқ. Унутмоқ истасам, кечмоқ истасам, дунёни кўзимга беркитган рўё. Бир томчи нур истаб қакрок лабинга ҳар баҳор тўкилдим сизингми бир бор?

ОҚУШЛАР КЎРМАГАН ТУШ

Армоним супура ҳовлингни ҳар куз, ҳар баҳор кўқарар кўзимдаги ғам. Сен умрим ёндирган оловдан баттар, дарёдан тўқинроқ оқизиб кетган. Фақат бир ишқ берган яшадан афзал, соғинч берган мангу ўлимдан баланд. Фақат, соғинмаган, ёлмаган мен чун, ҳеч қачон дардимни билмаган ШАМОЛ. Сен қайси юракнинг беҳил фироғи, сени деб беармон ўтмаган ким бор?

Айт, қандай сурурсан, қандайн жаннат? Йилгасам ғамлари гуноҳим ювган, тўкилсам озори кўнглимга савоб, йиқилсам пойида кўқарган бахтим. Азоби кўзимда гуллаган ҳавас. Гулларга хуштордил, садоқатли ёр, тошларга меҳрини тутган бағрикенг. Фақат Худойимдан ишқин сир тутиб, бир мандан қалбини яширган БАҲДА.
Художон, жаннатий ифдор эдим-ку! Бир унга аталган палаҳмон тоши. У учун ҳар кунни уйғонган ҚУЁШ, ҳар кунни буттувчи ОЙКИЗ эдим-ку!

Ҳали зулматларни нурга кўмаман, ҳали кўқараман ёмғирларингда, бу икким дунёнинг камин тўлдирар. Фақат бир ўтинчим, унинг ёдига мени солиб қўйгин, ХУДОЖОН!

Адиба УМИРОВА

Турсунбой АДАШБОВ

ПАРОДИЯ

Эҳтиёт қил каллани...

Бобур БОБОМУРОДГА

"Дардимни тошга айтсам,
Тоғлар юриб кетмасми?..
Дарё ё кўлга айтсам,
Суви қуриб кетмасми?..
...Кўрине рангим зардларин,
Айтолмайман дардларим!"

"Айтолмайман дардларим" шеърлари.

Дунёни дун қадимдан,
Дард билан тўлиб кетган.
Тегирмоннинг тўзидай,
Гард билан тўлиб кетган.
Йўлда дардим қўзага,
Қирдим халта-тупиқка.
Совунга кўнел ёрсам,
У айланди кўликка.
Ҳасратим ёлқон бўлиб,
Упирар тоғу тошини,
Эритиб юборугдай,
Осмондаги қуёшни.
Минг бор шукр оламни,
Айтганим йўқ маймунга.
Кимдир мени уйғотиб,
Шивирлаб деди шунда,
— Ҳасрат, рамага тўлдирмай,
Қирчилама паллани.
Ҳиссиётга эрк бермай,
Эҳтиёт қил каллани...

РАССОМ ХАНДАСИ



Шайхат МУСАФОР чизган сурат.

"БУНЁДКОР" ИСРОИЛГА БОРИШИ МУМКИН

Келгуси йилнинг январь ойида Исроилда "Биринчи канал" кубоғи учун халқроқ турнир ўтказилади. Яқинда турнирга қуръа ташланиб, жамоалар икки гуруҳга ажратилди. Аммо ҳамма иш пишиб бўлганда Москванинг "Динамо" футбол клуби мазкур мусобақада иштирок этмаслигини маълум қилди. Шу боис интернет сайтларида халқроқ турнирда Тошкентнинг "Бунёдкор" футбол жамоаси қатнашиши ҳақида хабарлар тарқалди. Аниқроқ қилиб айтганда, Россия футбол миллий академиясининг вице-президенти Александр Эйделштейн бу ҳақида ахборот берган.

— Москванинг "Динамо" клуби "Биринчи канал" кубоғида иштирок этмайди. Уларнинг ўрнини Ўзбекистоннинг "Бунёдкор" клуби эгаллаши мумкин, — дейди у берган интервьюсида. — Тез орада тошкентликларга турнирда иштирок этиш учун тақлиф юбормоқчимиз. Шу билан биргаликда бу клуб раҳбарияти мавсумоли тайёргарлигига таллуқли режаларни тузиб қўйган бўлиши мумкинлигини тушуниб турибмиз. У ҳолда биз бошқа жамоа излаймиз ёки бу масалани турнир форматини ўзгартириш орқали ҳал этамиз.

Эслатиб ўтамиз, "Бунёдкор" клуби раҳбарлари келгуси йилнинг январь ойида Бразилияда ўқув-йиғинини ўтказишни режалаштириб қўйишган.

ЖЕПАРОВ МДХда ИККИНЧИ

2008 йилда Осиёда энг яхши футболчи деб топилган Ўзбекистон миллий терма жамоаси ва "Бунёдкор" клуби ярим ҳимоятчиси Сервер Жепаров Россиянинг "Спорт-Экспресс" газетаси ўтказган "МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатларининг ноябрь ойидаги энг яхши футболчиси" сўровномасида 8 нафар футболчи орасида 2-ўринни эгаллади. Жепаровни футболчиларга овоз берган тахририятларнинг 4 таси биринчи ўринга, 3 таси иккинчи ва яна шунчаси учинчи ўринга лойиқ топилган.



"ПАХТАКОР"

РАҚИБЛАРИ МАЪЛУМ

Москва шаҳридаги "Футбол уйи"да "МДХ ва Болтиқбўйи давлатлари чемпионлари кубоғи — 2008" мусобақасига қуръа ташланди. Унга қўра, Ўзбекистон вице-чемпиони ҳисобланган "Пахтакор" футбол жамоаси "А" гуруҳидан ўрин эгаллади. Шунингдек, мазкур гуруҳдан "Рубин" (Россия), "Актобе" (Қозғоғистон) ҳамда Арманистон вице-чемпиони — "Арарат" футбол жамоалари жой олган.

Ушбу мусобақа 2009 йилнинг 17-25 январь кунлари Москва шаҳридаги "Олимпийский" ва "Динамо" спорт мажмуаларида бўлиб ўтади.

ҲАҚАМЛАРИМИЗ ЯПОНИЯДА

«Осиёнинг 2008 йилдаги энг яхши ҳақами» бўлган ҳаюртимиз Равшан Эрматов клублар ўртасидаги Жаҳон чемпионати учрашувларининг бошқариши учун Японияга учиб кетди. У билан, шунингдек, ёрдამчи ҳақам сифатида Абдухамидулло Расуллов ва кирғизистонлик Баҳодир Кўчоров ҳам Қўнчиқар юрда сафар уюштиришди. Аҳамиятли томони шундаки, Осиё минтақасидан Равшан Эрматов ва япониялик Юичи Нишимура бош ҳақам сифатида мусобақага тақлиф этилган.

Эслатиб ўтамиз, мусобақа 11-21 декабрь кунлари Япониянинг Токио ва Иокогама шаҳарларида бўлиб ўтади. Унда жами 7 та клуб қатнашади. Улар — «Ал-Аҳли» (Африка), «Гамба Осака», «Аделаида Юнайтед» (Осиё), «Манчестер Юнайтед» (Европа), «Пачука» (Шимол ва марказий Америка), «Вайткер Юнайтед» (Океания), «Лига де Куйто» (Жанубий Америка) футбол клубларидир.

ОСКАР ДЕ ЛА ХОЙЯ МАҒЛУБ

АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида бокс кечаси уюштирилиб, унда Мэнни Пакьяо жаҳоннинг ўн қарра чемпиони ҳисобланган Оскар Де Ла Хойяга қарши рингга чиқиб голиб бўлди. Бутун жанг давомида устунлик қилган Мэнни Пакьяо саккизинчи раундга келиб, рақибини анча шошириб қўйди. Оқибатда тўққизинчи раунд бошланишидан аввал Оскар Де Ла Хойянинг мураббийи ҳақамлардан учрашувини тўхтатишни сўради. Ва Оскар Де Ла Хойяга техник мағлубият эъилди.

КИРАКАШДАН МАҒЛУБ БЎЛДИ

Ўтган шанба кунини Англия пойтахти Лондонда ўта оғир вазндаги британиялик Одли Харрисон қўлимаганда ватандоши Мартин Роганга жангни бой берди. Яъни мушталашувини бошқариб борган ҳақамлар 95:98 ҳисобида Мартин Рогани голиб деб топди. Мазкур учрашувга 37 ёшли Роган киракашлик қилиб, «Секилик равишда машгулотлар олиб борган. Эътиборли томони шундаки, у шу кунгача профессионал рингда 10 марта жанг ўтказган.

Азим РҶЗИЕВ тайёрлади.

Газетанинг навбатдаги сони 24 декабрь кунини чиқади.